Тошкент оқшоми

Иҗтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 117 (8.701) ◆ 1995 йил ◆ 9 октябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти. **С. Зуфаров (ЎзА) олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 октябрь куни Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпойгонийни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпойгонийнинг Ўзбекистондаги элчилик фаолияти давомида ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ривожи ва халқларимизнинг дўстона алоқалари мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Эрон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар азалдан равнақ топиб келган, мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига хизмат қилувчи ушбу хайрли анъана бундан буён ҳам давом этади, деди Президентимиз.

Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпойгоний Ўзбекистондаги элчилик фаолияти ниҳоясига етганини билдириб, ушбу давр мобайнида икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланиши учун хизмат қилганидан чуқур фахр туйғусини ҳис этишини изҳор қилди. У Ўзбекистондаги улкан ижобий ўзгаришларнинг бевосита гувоҳи бўлганини таъкидлаб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада ривож топади, дея умид билдирди.

(ЎзА).

Қурилиш майдонларида

ХОНАДОН ЭГАЛАРИ МАМНУН

«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли якка тартибдаги уйларни қурувчи давлат ҳиссадорлик қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмаси бинокорлари хусусий уйларни қуриш билан бир қаторда, кўп қаватли биноларни бунёд этишда ҳам қатнашишмоқда. Мисол учун улар яқинда пойтахтнинг Халқлар дўстлиги кўчасида 12 қаватли бинони қуришда фаол иштирок этди.

Кўчада 2-уй номини олган бинода қурилиш-тиклаш ишлари тез суръатларда олиб борилди. Натижада уйни қисқа муддат ичида тиклашга муваффақ бўлинди.

Умумий сатҳи 3 минг 590 квадрат метрни ташкил этган бинода пардозлаш ишларини ҳам юқоридаги бирлашма қурувчилари амалга оширишди. Бугунги кунда бинога кўчиб кираётган 55 та хонадон эгалари бунёдкорлардан жуда мамнун. Чунки уй қисқа муддат ичида битирилиши билан бир қаторда хоналарнинг кенглиги ҳамда сифатли қурилганлиги билан илгариги қурилган турар жой биноларидан ажралиб туради.

Ғайрат ЮНУСОВ.

ЯРАШИҚЛИ ЛИБОСЛАР

«Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти ўзининг аъло сифатли ва пишиқ кийим-кечаклари билан хорижий давлатларда ҳам донғи кетган. Бу муваффақиятларнинг сири эса маҳсулот турларини жаҳон андозаларидан ўрнак олган ҳолда мунтазам янгиланиб боришида ҳамдир.

«Юлдуз» чеварлари ўз анъаналарига содиқ равишда яқинда яна бир янги кийим турини тикишни ўзлаштиришди. Ҳозир тажриба цехининг бошлиғи Клавдия Ковалева ҳамда шу цехнинг бош конструктори Елена Глинская ишлаб чиққан модел бўйича янги икки бортли эркаклар кузги плашчлари тикиб чиқарилмоқда. Ушбу замонавий усулдаги кўркам плашч бичимининг ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Янги плашчнинг дастлабки туркуми шаҳримиз дўконларига жўнатилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

ДИЛШОДНИНГ ЯПОНИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда Японияда ўтказилган Чайковский номидаги халқаро ўсмирлар танловида бир гуруҳ ўзбекистонлик ёш ижрочилар ҳам иштирок этишди. Бу танловда Успенский номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатининг тўққизинчи синфида таълим олувчи виолончель сози ижрочиси Дилшод Назаров юқори натижа кўрсатиб, 12 ўсмир орасида ўз бадиий иқтидори билан алоҳида ажралиб турди.

Чайковский номидаги халқаро танлов совриндорлари ассоциацияси ва ҳакамлар ҳайъати моҳир виолончель ижрочисини келгусида дунёнинг нуфузли мусиқа марказларида таълим олиши кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Гулмира МУСАЕВА.

БУГУНГИ КУН «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Мамлакатимиз пахтакорларининг уйган «оқ олтин» хирмонлари 3 миллион тоннадан ортди.

❑ Республикамизда бу йил ғалла майдонлари 328 минг гектарга кенгайтирилиб, 1 миллион 800 минг гектарга етказилади. Келгуси йил ялпи дон ҳосилини 5 миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Кузги дон экиш Хоразм вилоятида айниқса жадал кетяпти.

❑ Вазирлар Маҳкамасида бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

❑ Соғлиқни сақлаш вазирлигида Индонезия соғлиқни сақлаш вазирлиги делегацияси билан соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

❑ БМТ ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисига тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш мақсадида «Экосан» халқаро жамғармасининг эзгулик поезди жиҳозланди.

❑ 7 октябрдан бошлаб 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 33 сўм 60 тийин бўлди.

❑ Кеча маҳаллий вақт билан соат 13 дан 56 дақиқа ўтганда Тошкентда 3-4 балл куч билан ер силкиниши рўй берди. Зилзила маркази Тошкентдан 250 километр узоқликда — Қирғизистон ҳудудида жойлашган. Ер силкиниши Наманганда 6, Андижонда 5 балл бўлди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ 6 октябрь куни чошгоҳда Грознийда Чеченистондаги федерал кучлар гуруҳи қўмондони генерал-лейтенант Анатолий Романовга суиқасд қилинди. Тоннель портлатилиши оқибатида оғир яралар бўлган Анатолий Романов ҳозир Владикавказдаги ҳарбий госпиталда даволаняпти.

❑ Россия ҳукумати Грознийда фавқулодда ҳолат жорий этишни мўлжаллаяпти.

❑ Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовга Ҳиндистоннинг собиқ Президенти Зайл Сингх томонидан таъсис этилган халқаро мукофот топшириладиган бўлди.

ХОРИЖДА

❑ 6 октябрь куни Қоҳирада Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси очилди.

❑ Босния, Хорватия ва Сербия ҳукуматлари 10 октябрдан бошлаб барча жанговар ҳаракатларни тўхтатиш, 25 октябрдан эса Вашингтонда сулҳ тўғрисида музокаралар ўтказишга келишиб олдилар. Собиқ Югославияда тинчлик ўрнатиш шундан сўнг Парижда ўтказиладиган халқаро конференцияда муҳокама этилади.

❑ НАТОнинг расмий вакили Шимолий Атлантика иттифоқини Шарққа қараб кенгайтиришни 1997 йилгача тўхтатиб туриш тўғрисида баёнот берди.

❑ Шанба куни Индонезиянинг Суматра оролида рўй берган кучли зилзила амалда беш аҳоли пунктини ер билан яксон қилди. Табиий офат оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони 70 нафарга яқинлашиб қолди.

❑ Канадага расмий ташрифини тугаллаган Россия Бош вазири Виктор Черномирдин Америка шимолида жойлашган Бангор шаҳрида АҚШ вице-президенти Альберт Горр билан учрашди. Унда икки томонлама муносабатлар, шунингдек икки ҳафтадан сўнг АҚШда Россия ва АҚШ Президентлари ўртасидаги олий даражадаги учрашувга тааллуқли масалалар муҳокама этилди.

❑ Бугун Женевада Арманистон ва Озарбайжон делегациялари Тоғли Қорабоғ муаммоси юзасидан музокаларнинг навбатдаги босқичини бошлайдилар.

❑ Вашингтонда Ғарбнинг тараққий этган 7 давлати молия вазирлари ва марказий банклари раҳбарлари учрашувида валюта тангликларининг олдини олиш мақсадида 50 миллиард долларлик махсус жамғарма тузиш ғояси маъқулланди.

ИСТЕЪДОДЛИЛАР ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида қабул қилинган янги дастур «Иқтидорли талабаларни топиш ва улар билан ишлаш» деб аталади. Ушбу дастурдан мақсад — муайян маълум соҳаларга қизиқувчи йигит ва қизларнинг истеъдодига кўмаклашишдир.

Ҳозир амалда бўлган анъанавий ўқув дастури ҳамма учун ҳам мос эмаслиги аллақачон амалиётда маълум бўлган эди. Баъзан эса бу ҳатто, иқтидорларнинг сусайишига ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун янги дастурда ҳар бир талаба ўз қобилиятини мумкин қадар кенг намойиш эта олиши учун қулайликлар яратиш кўзда тутилган. Бунинг учун олий ўқув юртидаги талабанинг қизиқишлари ҳисобга олиниб, уларга алоҳида-алоҳида дастурлар асосида дарс ўтилади. Шунингдек, улар учун чет тилларни чуқур ўргатувчи ва ЭҲМ билан ишлаш малакасини оширувчи бепул курслар ишлай бошлайди. Кейинчалик эса иқтидорли талабалар билим олишни хориждаги энг машҳур ўқув масканларида давом эттиришлари мумкин. Бутун таълим давомида ўз истеъдодини янада ёрқин намойиш эта олган талабалар Ўзбекистон иқтисодиётининг турли йўналишларидаги муҳим масалаларни ечишга жалб қилинадилар. Айтиш керакки, ушбу фаолиятдаги ҳар бир масаланинг муваффақиятли ечими учун улар яхшигина пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Баҳодир ҲАСАНОВ.

Обуна—96

«ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ» ҚЎЛЛАЁТГАН ЯНГИ УСУЛЛАР

Газета ва журналларга 1996 йил учун обуна бошланганлиги муносабати билан шаҳримиз алоқа бўлимларига ўз севимли нашрларига ёзилиш мақсадида келаётган газетхонлар оқими кўпайиб қолди. Биз «Тошкент почтаси» ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғининг ўринбосари Комилжон Алимов билан учрашиб бу йилги обуна мавсумига кўрилган тайёргарлик, уни амалга ошириш жараёнидаги янгиликлар хусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Комилжон Одилович, бу йилги обуна мавсуми аввалги йилга қараганда бир ой кеч бошланди...

— Дарҳақиқат, газеталарнинг таннархини белгилаш, Россияда чиқадиган нашрларга обуна масаласини ҳал этиш муносабати билан обунани бир ой кеч бошладик.

Газетхонлар Россия нашрларидан «Труд», «Аргументи и факти», «Медицинская газета», «Экономика и жизнь», «Азия» газеталарига почта бўлимларида янаги йилга обуна бўлишлари мумкин. Бундан ташқари янги нашрлар: «Бизнес для всех» газетаси, «Вероника» аёллар журнали ва унинг «Домовенок» иловасига обуна эълон қилдик.

— Матбуот тарқатиш ишида янги усулларни ҳам қўллаяпсизларми?

— Бу йил мижозларимизга янада қулайликлар яратиш борасида почта хизмати ҳақини иккига бўлдик.

Масалан, якка тартибдаги обуначилар учун газета почта бўлимидаги махсус қутига келтириладиган бўлса 65 тийин, уни обуначилар уйига элтиб берилса 1 сўм 50 тийин ҳақ олинадиган бўлди. Бу янгилик корхона, ташкилотлар учун ҳам тадбиқ этилди ва хизмат нархлари 1 сўм 65 тийин ва 3 сўм 30 тийин қилиб белгиланди. Шу мақсадда шаҳардаги почта бўлимлари қошида 12 минг 700 та махсус қути ташкил этдик. Якка тартибдаги обуначилар ҳамда корхона, ташкилотларнинг вакиллари ҳар куни келиб ушбу қулфланадиган қутилардан ўз нашрларини олиб кетишлари мумкин. Ҳозирча ушбу қутиларнинг 4 мингтаси банд қилинди. Эҳтиёж кўпайса уларнинг сонини ошириш тадбирларини кўрамиз.

Бундан ташқари болалар нашрлари — «Тонг юлдузи», «Солнишко» газеталари, «Ғунча», «Гулхан» журналларини элтиб бериш нархи бошқа нашрларга нисбатан 50 фоизга камайтирилди. Янгиликлардан яна бири Ўзбекистонда чиқадиган турли нашрларга бир йилга обуна бўлган корхона, ташкилот, муассасалар учун 20 фоизлик чегирма жорий этилди.

Шаҳримизда 162 та алоқа бўлими бор. Уларнинг ҳаммаси керакли каталог, обуна варақчаси ва бошқа материаллар билан 30 сентябргача таъминланди.

Обуна ишини яхши ташкил этиш, нашрларини эгасига ўз вақтида етказиб бериш мақсадида пойтахтимизнинг 11 туманига хизмат кўрсатадиган 4 та махсус обуна пункти очилган бўлиб, у йил давомида фаолият кўрсатади. Мазкур пунктлар ўзларига қарашли туманлардан келган корхона, ташкилот, муассасаларнинг обуна тарқатувчилари билан мунтазам алоқада бўлиб обуна варақалари тўғри тўлдирилганми, йўқми текширишади, каталоглар билан таъминлашади, хуллас барча мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишади. Чилонзор, Сергели, Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманида жойлашган ушбу пунктлар ҳамда «Тошкент почтаси» корхонаси орқали турли нашрларга пул ўтказиш йўли билан обуна қилиш истагидаги ташкилот, муассасаларига ҳам хизмат кўрсатилади. Бунинг учун улар бу пунктлар ёки «Тошкент почтаси»дан обуна пули учун счёт олишлари керак. Корхона ва ташкилотлар бизнинг ҳисобимизга пул ўтказишлари билан уларга обуна варақалари расмийлаштириб берилади.

Шунингдек, 1994 йилнинг иккинчи ярмидан жорий қилинган почта ходимлари иштирокида газета, журналларни сотиш ишларини кучайтиряпмиз. Зеро, ўзини оқлаган ушбу усул орқали шу йилнинг сентябрь ойида 16. 840 нусха газеталар сотилди.

Сўзимнинг якунида айтиб ўтмоқчиманки, шаҳримиз алоқа бўлимларида жами 2000 га яқин ходимларимиз меҳнат қилишади. Ва бизда камида бир йил ишлаган ходимни ўзи хоҳлаган нашрига бепул обуна қилиб берамиз. Албатта, «Оқшом» газеталарини шаҳримизнинг ҳар бир хонадонида севиб ўқишади. Биз ҳам 1996 йил учун тўрт юзга яқин ходимларимизни «Оқшом» газеталарига обуна қилмоқчимиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Барча газета ва журналлар сингари ўзингиз севган «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам 1996 йил учун обуна давом этмоқда. Ўзингизнинг кундалик ҳамроҳингиз, энг яқин маслаҳатгўйингиз бўлиб қолган «Оқшом» газетасига обуна бўлишга шошилинг. Газетага қанча ойга обунани расмийлаштириш ўз ихтиёрингизда. Хоҳланг бир ойга, хоҳланг уч ойга, хоҳланг ярим йилга, хоҳланг бир йилга «Тошкент оқшоми»га ёзилишингиз мумкин.

«Тошкент оқшоми» газетасининг индекси — 64690.

ШИДДАТЛИ ЖАНГЛАР

Кеча Тошкентда бокс бўйича XVIII Осиё биринчилиги ниҳоясига етди.

THE 18th ASIAN BOXING CHAMPIONSHIP
БОКС БЎЙИЧА 18 ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ
Tashkent '95 Uzbekistan
30.IX. - 9.X.1995

8 октябрь куни «Алпомиш» спорт саройи бокс ихлосмандлари билан лиқ тўла бўлди. Шу куни ўтказилган 12 та финал жанг олтин ва кумуш медаллар соҳибларини аниқлаб берди. Уларнинг ҳаммаси 1996 йилда Атлантада бўлиб ўтадиган Ёзги олимпиада ўйинларига йўлланма олдилар.

Финал жангларнинг фақат иккитасигина эрта тугади. 71 килограммли тоифада қозоғистонлик Ермахон Ибраимов афғонистонлик Муҳаммад Омон устидан тез ғалабага эришди. Ўзбекистонлик Дилшод Ёрбеков рақиби — эронлик Мулла Сефи олдинги жангларда олган жароҳати туфайли рингга чиқа олмаганлиги учун Осиё чемпиони, деб эълон қилинди.

67 килограммгача вазнга эга бўлганлар баҳсида юртдошимиз Наримон Отаев қозоғистонлик Нуржон Смановни мағлубиятга учратди. Яна бир ватандошимиз Руслан Чагаев эса ҳиндистонлик Ларх Сингхни ютиб, фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўзбекистон терма жамоасидан Махаматқодир Абдуллаев (60 кг) кумуш медаль олган бўлса, Темур Туляков (54 кг) бронза медалини олди.

Осиё чемпиони юксак унвони 48 килограммгача вазнга эга бўлган боксчилар ўртасида таиландлик Сомрот Камсингга насиб этди. Шунингдек, Махаматқодир Абдуллаевни мағлубиятга учратган мўғулистонлик Туменцэцэга Ойтомен ҳам ғалаба нашидасини сурди.

Қозоғистон чарм қўлқоп усталари олти олтин медаль соҳиби бўлдилар. Булар Болат Жумадилов, Бектас Абубакиров, Бахтиёр Тилегенов, Болат Ниязимбетов, Ермахон Ибраимов ва Василий Жировлардир. Вазни 91 килограммдан юқори бўлган боксчилар баҳсида эронлик Муҳаммад Ризога тенг келадиганлар топилмади.

Финал жанглар тугагандан сўнг Осиё биринчилигининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Мусобақа қатнашчилари ва меҳмонлари ҳузурида терма жамоалари ўртасида норасмий биринчилик ғолибларига биллур кубоклар топширилди. Бунда Қозоғистон терма жамоаси биринчи ўринни, Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари иккинчи ва Эрон боксчилари учинчи ўринни олдилар.

Бокс мухлисларининг гулдурос қарсаклари остида жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев Дилшод Ёрбековга чемпионатнинг энг яхши чарм қўлқоп устаси махсус кубогини топширди. Турнир ҳомийлари эса Дилшодга янги квартира калитини тақдим этдилар.

Атлантага йўлланма олган 23 нафар боксчига (91 килограммдан юқори вазнда бундай йўлланма фақат олтин медаль эгасига берилди) Ўзбекистон Давлат спорт қўмитасининг раиси, Миллий олимпия қўмитасининг президенти Собир Рўзиев ва республика бокс федерациясининг вакиллари юртимизнинг анъанавий совғалари — чопон, қийиқ ва дўппи тақдим этдилар.

Чемпионат тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан жаҳон бокс федерациясининг президенти Анвар Чаудри Ўзбекистон ҳукумати, республика спорт ташкилотлари, чемпионат ҳомийларига турнирни ажойиб ташкил этганликлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этди. Тошкент жисмоний тарбия институти илмий кенгаши қарорига кўра Анвар Чаудрига физкультура ва спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун берилган институтнинг фахрий доктори гувоҳномаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков чемпионат қатнашчилари ва меҳмонларини ниҳоясига етган ажойиб спорт байрами билан қизғин қутлади. Чемпионат чинакамига эпчиллик, чаққонлик, ёшлик ва тинчлик байрами бўлганлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳеч шубҳа йўқки, бокс бўйича 18-қитъа биринчилиги Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини ривожлантиришда яна бир салмоқли одим бўлди.

СУРАТЛАРДА: Осиё биринчилиги финал учрашувларидан лавҳалар.

Рустам Шарипов суратлари.

Тошкент шаҳридаги 8-темир-бетон маҳсулотлари акционерлик жамиятининг раиси Рауфхон Шарипов билан суҳбатимиз мустақиллик берган буюк неъмат, ишчи-хизматчиларнинг масъулият туйғуси ҳақида, меҳнат интизоми эришиладиган ютуқлар омили эканлиги хусусида бўлди.

Бунёдкорлик ва тараққиёт

МАСЪУЛЛИК ТУЙҒУСИ

— Рауфхон Аслонхонович! Табиийки мустақиллик покланиш, яъни топталган ор-номусимизни, ғуруримизни тиклаш, қолаверса ўзликка қайтиш демакдир. Шундай мустақилликни қурилишсиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Янги яратилган адабиёт ва санъат асарлари халқимизнинг маънавий дунёсини таъминласа, бунёдкорлик, яъни қурилиш унинг моддий дунёсини таъминлайди. Моддий манба яратилмаган юртнинг маънавий дунёси ҳам гўзал бўлиши мумкин эмас. Шу маънода ўзингиз бошчилик қилаётган корхона ҳақида, унинг ишчи ва мутахассислари ҳақида, эришилаётган ютуқлар ҳақида суҳбатлашсак.

— Марҳамат. Суҳбатни инсоннинг ҳам маънавий, ҳам моддий дунёси ҳақида бошладингиз. Тараққиёт йўлига кирган халқнинг маънавий ва моддий ҳаёти чиндан ҳам гўзал бўлмоғи керак. Бу муштарак тушунчани ҳеч қачон бир-биридан айри тушуниб бўлмайди. 130 йилга чўзилган қарамлик бизни ҳамма томондан чеклаб келди. Чеклабгина қолмай кўп барбодликлар ҳам келтирди. Мана шу келтирилган барбодликлар мустақиллик туфайли ошкор этилди. Қанчаданқанча гўзал масжидларимиз қатори ота-боболаримиз кўли билан бунёд қилинган кошоналар оёқ ости бўлди. Жиддийроқ ўйлаб қаралса, ўша барбод бўлган антиқа ёдгорлик кошоналари бир миллатнинг эмас, умуминсоннинг мулки эди. Чунки бундай ёдгорликларни инсон тафаккури яратади. Тафаккур эса фақат инсонга хос улуғ қудратдир. Ҳеч қайси миллат ҳеч қачон ўзи яратган обидаларни ўзи вайрон этмайди. Ўзгалар таъсири билангина шундай ноинсоний йўлни тутиши мумкин. 70 йиллик даврда ҳам Ватанимизда кўп иншоотлар қурилди, десак янглишмаймиз. Уруш йиллари Тошкент шаҳрида Муқимий номли театрнинг қурилиши ёки раҳматли Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даврда Халқлар дўстлиги саройи, Санъат саройи, яна юзлаб қурилишлар қаторида Тошкент метросининг яралиши шундай улуғ ташаббуслар эди. Лекин ўша кезлар халқнинг ҳуқуқи ўз қўлида эмас эди. Барибир қурилишлар бўлаверди. Ниҳоят Тангри бизга мустақилликни ато этди. Шу тариқа ҳақ-ҳуқуқимиз ўз қўлимизга, яъни ўз ихтиёримизга ўтди.

— Шу ўринда буюк соҳибқирон Амир Темурнинг мўғуллар томонидан мутлақо вайрон этилган Туркистонда озодликнинг дастлабки кунлариданоқ турли қурилишларни бошлаб юборгани ёдга келади...

— У улуғ зот нафақат Туркистонда, қолаверса оёғи етган ҳамма ерда улуғ қурилишларга асос солди ва ниҳоясига етказди. Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Эрон, Туркия, Араб мамлакатларида, жумладан ҳозирги Туркистондаги ҳазрат Аҳмад Яссавий, Тошкент шаҳри четидаги Зангиота мақбаралари ҳам ҳазрат Темур ва темурийлар саховати-ла дунёга келган кошоналардир. Демоқчиманки, инсондан мана шундай улуғ кошоналаргина ёдгор бўлиб қолади ва буларнинг ҳаммаси халқлар тўла мустақилликка эришган даврларда яратилади. Мустақилликка эришилган тўрт йил ичида жаннатмакон юртимизда мисли кўрилмаган даражада улкан қурилишлар амалга оширила бошлади. Чала қолган иншоотлар ниҳоясига етказилаётир. Метро қурилиши ҳам шиддат билан давом этаётир. Андижонда енгил автомашиналар заводи, Хоразмда эса шу соҳада катта иншоот юзага келаётир. Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар ҳудудида қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Янги темир йўлларга асос солинаётир. Шу билан бирга одамлар учун ҳам уй-жойлар кўплаб қурилаётир.

Бизнинг корхонамиз асосан Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган турли йирик иншоотларга хом ашё етказиб беради. Биз асосан буюртмага кўра хом ашё ишлаб чиқарамиз. Корхонамизда 400 га яқин турли турдаги бетон маҳсулотлар тайёрланади. Пойдеворлар учун блоклар, томлар ва бозорларнинг устиларини ёпиш учун 3 метрдан тортиб 12 метргача бўлган плиталар ишлаб чиқарилади. Ҳамид Олимжон майдони қурилиши учун ҳам асосан маҳсулотларни биз етказиб берамиз. Бундан ташқари уйларнинг деворларини ҳам етказиб бериш имкониятига эгамиз. Ҳар куни буюртма бўйича 300 кубометргача бетон қоришма тарқатамиз. Бошқа бир цехимиз эса қуруқ қоришма тайёрлайди. Шундай қоришмадан ҳар куни шаҳар бўйича 140-150 кубометр тарқатамиз. Корхонамиз бир ойда 4,5 минг тоннадан то 5 минг тоннагача цемент қабул қилади. Бу материални бизга Оҳангарон корхонаси етказиб беради. Корхонамизда ҳар куни 90-100 кубометр бетон қоришмаси қолипланади. Сўнг тайёр маҳсулот сифатида тегишли ерларга жўнатилади. Мана шу маҳсулотларни ишлаш учун 400-500 тонна темир сарфланади. Темир арматураларни эса бизга Бекобод заводи етказиб беради.

— Ўзингиз эътироф этганингиздек мустақилликдан кейин иш жараёнида ҳам ўзгаришлар сезилаяптими?

— Албатта. Буни эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Корхонада 300 дан ортиқ ишчилар, мутахассислар ишлашади. Ойлик маошлари 2 минг сўмдан 2 минг 700 сўмгача етди. Шу ўринда бир масалага диққатни қаратмоқчиман. Мустақиллик дегани поклик, виждон демакдир. Поклик ва виждон эса ҳаммамиздан биринчи галда интизомни талаб этади. Мазкур корхонага раҳбар бўлиб келгач биринчи галда интизомга жиддий эътибор бердик. Ўзингизга маълумки, интизом дегани — режалар ўринланди дегани. Режа ўринланди — ишчилар ўз вақтида маош билан таъминланди дегани, маошга қўшимча мукофот пули олди дегани бўлади. Шундай бўлса корхонанинг ҳам, ишчи-хизматчиларнинг ҳам турмуши яхшиланади. Бир сўз билан айтганда ишчи-хизматчиларда масъуллик туйғусини камол топтириш зарур. Кимки ўз корхонасига масъуллик туйғуси туйса, у одам пок ва виждонли бўлади. Назаримда илгари биз мана шу масъулият туйғусидан узоқлашиб кетган эдик. Мустақиллик бизга мана шу ҳис-туйғуни ҳам инъом этди. Чунки энди биз бировлар учун ишламаймиз. Ўз юртимиз, ўз халқимиз фаровонлиги учун тер тўкамиз. Бу эса тараққиёт демакдир. Тараққиёт сари эса эндигина тўрт қадам қўйдик. Шу ўринда яна бир нарсани эътироф этмоқчиман. Корхонамизнинг асбоб-анжомлари бироз эскирган ва янги асбоб-ускуналар билан бойитишга муҳтож. Бунинг учун биз дунёдаги энг илғор ва ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишимиз ва мутлақо янги ва замонавий асбоб-ускуналар билан қайтадан жиҳозлашимиз зарур. Биз мана шу борада янги режалар тузаётирмиз. Ўйлайманки яқин орада ниятимизга эришамиз. Ўша кунлар келгач иш суръати ҳам ўсади, халқ фаровонлиги ҳам ўз-ўзидан ортади.

Суҳбатдош Ўктам ҲАКИМАЛИ.

Саёҳат — дам олишнинг энг мақбул турларидан биридир. Бунда киши ҳордиқ чиқариш билан бирга дунё ҳақидаги билими, тасаввури кенгаяди. Албатта, бундай саёҳатларни уюштиришда «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг хизмати каттадир. Компания виза хизмати ва протокол бўлими бошлиғи Алишер Шамсиев билан қилган суҳбатимиз ҳам сайёҳларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

Мустақиллик мевалари

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» ДУНЁГА ТАНИЛМОҚДА

— «Ўзбектуризм» ташкил топганига эндигина уч йил бўлган бўлсада, шу давр мобайнида комил ишонч билан айтишимиз керакки, жуда катта ишлар қилинди. Унинг ташкил топганининг биринчи куниданоқ Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятларини бутун дунёга танитиш ишлари билан фаол шуғуллана бошланди. Айниқса, бу йилни олсак, бунда Ҳиндистоннинг «ТАТА проджектс ЛТД» компанияси қуриб битказган меҳмонхонанинг очилганидан бошлаб, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан эълон қилинган Фармон, қабул қилинган қарорларга алоҳида тўхташимиз мумкин. Жумладан юртбошимиз Ислом Каримов томонидан шу йил имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ва Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида» чиқарган Фармони ҳозирги кунда биз учун дастуруламал бўлиб хизмат қиляпти. Бунда туризмни ривожлантиришга қаратилган жуда катта имкониятлар билан бирга Ўзбекистондаги бор ҳозирги тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш, уларни қайта таъмирлаш ҳамда тиклашга эътибор берилган. Бундан ташқари чет эллик сармоядорларни туризм соҳасига жалб қилишда енгилликлар, имкониятлар очиб берилган. Жумладан, туризм соҳасида келиб фаолият кўрсатадиган ёки кўрсатмоқчи бўлган ишбилармонларга уч йил давомида даромад солиғини турли енгил имкониятлар билан тўлашга шароит яратилди.

— Юртимизга келган сайёҳларни биринчи галда уларга яратилган шароитлар қизиқтиради. Мана, янги меҳмонхона очилганини айтдингиз. Бошқа мажмуалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Чет элдан келган сайёҳ биринчи навбатда меҳмонхона билан қизиқади. Чунки дунё миқёсида меҳмонхона инсон яшаши ва дам олиши учун энг қулай маскан ҳисобланади. Шуни назарда тутган ҳолда «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳам меҳмонхоналарни, турар жой, кэмпинг ва шунга ўхшаш чет эллик сайёҳлар тўхтайдиган жойларни таъмирлашга катта аҳамият бермоқда. Шу ўринда юқорида айтиб ўтгандек, ҳиндистонлик дўстларимиз қуриб битказган янги меҳмонхонани ишга туширдик. Бундан ташқари «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ҳамда Малайзиянинг «Кристал Мист» компанияси билан қўшма корхона тузилиши натижасида уни қайта таъмирлаш ишлари бошланди. «Ёшлик» меҳмонхонаси Германиянинг «Импаро» фирмаси томонидан таъмирланяпти. Келажакда «Ўзбекистон» меҳмонхонаси тўрт юлдузли, «Ёшлик» меҳмонхонаси беш юлдузли бўлиб, улар сайёҳларнинг барча талабларига жавоб берадиган дам олиш масканларига айлантирилади.

— Ҳамшаҳарларимизнинг саёҳатларга бориши ҳамда уларнинг дам олишлари учун қандай шароит яратилмоқда?

— Авваламбор сайёҳлик деганда биз ўзимизнинг ватандошларимизни, ҳамшаҳарларимизни ўйлашимиз керак, уларга ғамхўрлик қилишимиз керак. Шу ўринда Чимённи ўзлаштириш, уни янада кенгайтириш, гўзаллаштириш устида ишлаяпмиз. Ҳозир чет эллик шерикларимиз билан бу тўғрида янги лойиҳалар устида иш олиб боряпмиз. Учта турар жой биноларини таъмирлаш, уларнинг атрофини кенгайтириб яна бир нечта коттежлар, чўмилиш ҳавзалари қуриш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Яна шуни қўшимча қилиб айтмоқчиманки, Ўзбекистонни туризм соҳасида дунёга танитиш борасида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳар йили икки марта Берлин ва Лондон сайёҳлик биржаларида қатнашиб келади. Бу йил ҳам ноябрь ойида Лондонда туризм кўргазмасида иштирок этамиз. Ундан кейин ўтган йилнинг октябрь ойида биз бутун дунё туризм ташкилотининг «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш бўйича биринчи семинарини ўтказдик. Шунинг давоми сифатида бу йил 3-6 октябрь кунлари шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ»да Халқаро туризм биржасининг ярмаркаси бўлади. Бу ярмарка «Буюк ипак йўли» бўйлаб сайёҳлик» деб аталади. Унда 60 дан ортиқ чет эл фирмалари қатнашиш истагини билдиришди. Шунингдек, расмий ҳайъатлар ҳам бу кўргазмада иштирок этишмоқчи.

Султонмурод УМАРОВ ёзиб олди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

СОҲИБҚИРОН ТАСВИРИ

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Ўзбекистон Давлат санъат музейи тарих музейи билан бирга эди. Айнан шу йили Темур ва темурийлар жасадлари Самарқанддан Тошкентга олиб келинган. Нима мақсадда музейга олиб келингани маълум ва аниқ. Бу улуғ зотлар тасвирларини яратиш кераклиги режалаштирилиб қўйилганди. Бу ишни бажариш антрополог-ҳайкалтарош Михаил Герасимовга топширилган эди. Шов-шувга сабаб бўлган бу воқеани тарих музейи ходими Маннон Султонов тасдиқлаб: «Темур ва темурийлар жасадлари келтирилиб, иш битгач, яна жойига олиб борилган», дейди.

Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Малик Набиевни анчадан буён биламан. Жуда дилкаш, камтар ва сахий одам. Рассомликнинг бир қанча жанрларида ижод қилаётган бўлсалар-да асосий танлаган мавзулари тарихий воқеалар ва шахслардир. Рассом ўша пайтларда Темур портретини яратаман, деб ният қилиб қўйганди. Ижодхоналарида бўлганимда Амир Темур ҳақидаги адабиёт ва бошқа манбалар билан танишиб изланиб ўтирардилар. Орадан кўп йиллар ўтди. Ниҳоят, мустақилликка эришганимиздан сўнг «Амир Темур портрети» Рассомлар биносида очилган Ўзбекистон мўйқалам соҳиблари ижоди кўргазмасида кўринди. Томошабинлар шу асар олдидан кетолмас, кимдир «Бобомиз Темурга ўхшабди» деса, бошқалар «Биз тасаввур қилган соҳибқироннинг ўзларику» дейишарди севиниб.

Яна раҳматли рассом Абдулла Йўлдошевни эсласак, мусаввирнинг жиянлари эмасми. «Тоғамга ачинаман, тиним билмайдилар. Фақат, назаримда рассомлик учун туғилгандек, ишхоналарида ҳам, ижодхоналарида ҳам, уйда ҳам иш билан бандлар. Дам олиш кунлари сира йўқ», дерди ижод ҳақида гап борганда.

Ижодкор дегани худди шунақа ишламаса мақсадга эришолмайди. Хаёли бир жойда бўлиши керак. Севимли адибимиз Абдулла Қаҳҳор айтиб кетганларидек, «Ярим қалб билан ижод майдонига кириб бўлмайди».

Малик ака кейинги пайтларда саксон ёшга яқинлашиб қолган бўлсалар-да тиним билмасдилар. Натижада Темурнинг кетмакет икки портретини яратдилар. Бири саркардалик либосида, иккинчиси шоҳона кийим, бошларида салла тожи билан, ўта ақлли, сезгир, меҳрибон инсон, давлатпаноҳ тасвирланган. Ҳар икки тасвир соҳибқироннинг тахтда ўтирган ҳолатини берган.

1994 йили «Ўқитувчи» нашриёти чиқарган Евгений Березиковнинг «Улуғ Темур» романида «Барлослар Мўғулистондан келиб чиққан» дейилган. Тарихий ҳақиқатдан тушунишимизча барлос асл туркий ўзбек уруғидир. Бир томондан қувончлиси шундаки, китобнинг ички биринчи бетидан рассом Малик Набиевнинг ўзбекона тасвири «Амир Темур» портретидан олинган сурат муносиб жой олган. Ўзбек рассомлари, ҳайкалтарошлари Амир Темурнинг ҳақиқий ўзбеклиги, «барлос» уруғидан эканлигини тасвирларида ҳаққоний кўрсатишмоқда. Романда «Ҳозирги пайтда Шаҳрисабз илгариги Кеш барлосларининг пойтахти эди» деб, жуда тўғри айтилган. Бизнингча тарих чалкашликларидан бўлса керак олдинги ишланган миниатюра асарларида, шунингдек кейинги шўро даврида яратилган бюст-портрети ҳам соҳибқирон Темур тасаввурини беришга қодир эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Амир Темур жамиятининг президенти Бўрибой Аҳмедов рассом Малик Набиев яратган портретни энг маъқули деб, тасдиқлаганлар. Эндиликда «Амир Темур портрети» Ўзбекистон халқлари тарихи музейига қабул қилиниб, мустақиллик бўлимига қўйилган.

Яна рассом Малик Набиев ишларига қайтсак. «Ўша кезлар тарих музейига борганимда антрополог-ҳайкалтарошни ҳам кўрганман», — деб эслайди ҳис-ҳаяжонларга тўлиб Малик Набиев, — ўшанда уруш энди бошланган пайт эди. Самарқанддаги бадиий билим юртини тугатиб, ижод қилаётганимда мени ҳам жангга олмоқчи бўлишгандию, Усмон ота Юсупов: «Бизга тинчлик ҳам, санъат ҳам керак» деб, мен ва менга ўхшаган бир неча ўзбек санъаткорларини юртда қолдиргандилар. Шундан буён рассомман. Ижод қилишда чарчаганимча йўқ. Амир Темур портретини яратганимда кўнглим тинчимасди. Қабрдан безовта қилиб тарих музейига қисқа вақт қўйилган соҳибқирон Темур жасадини кўздан кечириб, тасаввуримда баланд бўй, барваста гавдали, кўзлари катта ва ўткир, кенг яғринли, кенг пешонали, куч-ғайратга тўлиқ, ўта ақлли, ҳам меҳрли, адолат йўлида таассуротларим асосида ишлар эканман, бобом тез-тез тушимга кирардилар. Ҳам хобим, ҳам ўнгимда худди ҳаётдагидек намоён бўлишлари шу ишнинг битишига ёрдам берди».

Ҳа, Тошкентдек муқаддас даргоҳнинг музей хоналаридан бирига қисқа вақт бўлсада қўйилган Темур ва темурийлар жасадларини кўпгина инсонлар кўришга мушарраф бўлишганди ҳар ҳолда.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти тасвирий санъат бўлимининг илмий ходими.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ФАХРИЙЛАР МАМНУН

«Ҳурматли таҳририят. «Юнусобод» савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли 58-фахрия дўкони биз кексаларга ўн йилдан кўпроқдан бери хизмат кўрсатади. Қачон қараманг, дўконда ҳамма нарса муҳайё. Ширинсуҳан сотувчилар харидорлар хизматига ҳозиру нозир. Яқинда ушбу дўкон кимсасиз, ночор, юролмайдиган кексаларнинг уйларига белгиланган миқдордаги маҳсулотларни етказиб беришдек хайрли ишга қўл урди.

Ҳурмат билан уруш ва меҳнат ветеранлари номидан
Саттор ҲОЛИҚОВ,
Соҳиба ФАТТОҲОВА
Жами 20 имзо».

Мактуб йўлга чорлаб ушбу дўконда бўлдик. Биринчи навбатда диққатимизни савдо залидаги озодагарчилик ўзига тортди. Кенг ва ёруғ залда фахрийлар учун барча шароитлар яратилган. Уларни бир зум бўлсада нафасларини ростлаб, дам олишлари учун алоҳида бурчак ташкил этилган. Бу ерда диван, кресло, стол-стуллар батартиб териб қўйилган. Заурият туғилса ногирон, бемор кимсалар бу жойда бемалол ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Катта аквариумда сузиб юрган тилла балиқ ва балиқчалар, дарахт новдасидан махсус ясалган қафаслардаги тўхтовсиз сайраб турган тўтию, саъваларнинг шўх нолалари бир зумда сизни ўзига сеҳрлаб олади. Толиққанингизни унутиб, гўё ўзингизни ҳайвонот оламига кириб қолгандек ҳис этасиз.

—Дўкон мудираси Матлуба Юсуфхўжаева ўзини таништиргач, хушмуомалалик билан сўраради.

— Хизмат, келинглар.

Унга мақсадимизни айтиб фахрийлар юборган матубни кўрсатдик. Матлуба хатга кўз югуртириб чиққач: «Ишқилиб хизматимиз кексаларга манзур бўлаётган бўлса бўлди-да», деб қўйди камтарлик билан.

Дўкон кундалик харидорлардан ташқари 720 та фахрийларга ҳам хизмат кўрсатади. Яна 47 та чернобилликлар, 67 та ёрдамга муҳтож кимсасиз кексалар бу ҳисобга кирмайди.

— Бизда ҳаммаси бўлиб 10 хизматчи меҳнат қилади. Улар ҳар ойда бир марта ҳеч кими йўқ ёлғиз қарияларнинг уйларига бориб, уларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб туришади. Зарур бўлган тақдирда улар хонадонларига рўйхатда белгиланган маҳсулотларни етказиб беришади, — дейди дўкон мудираси. —Асосий харидорларимиз кексалар бўлгани учун ҳар байрамда уларни қутлаш ва табриклашни унутмаймиз. Шунақа шодиёналарда камтарона дастурхон ёзиб, даврага фахрийларимизни чорлаймиз. Бир пиёла чой устида ширин суҳбат қурамиз.

Бу ерда яна бир нарса диққатимизни ўзига тортди. Чиройли териб қўйилган пештахта ортида турган савдо ходимларининг кийимлари ҳам ўзгаларникидан бутунлай фарқ қилади. Аёллар бир хилда атлас кўйлак ва оқ дуррача, йигитлар эса оқ яхтак ва дўппи кийиб олишганди.

Дўконда бўлганимизда биз уруш қатнашчиси Павел Шибанов, ёлғиз онахон Назира Носирова, Чернобиль фожиаси қатнашчиси Анатолий Кимлар билан суҳбатлашдик. Улар ушбу дўкон ва унинг хизматчиларидан мамнун эканликларини айтишди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: дўкон мудираси Матлуба Юсуфхўжаева харидор билан суҳбатда; савдо зали.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Куюнчаклик билан ёзилган

ОЗГИНА ҲАРАКАТ БЎЛСА...

Темирйўлнинг Тошкент бўлимига қарашли «Ўзбекистон» депоси кўп йиллардан буён тепловозлар ва электровозларни таъмирлаб келади.

Депода локомотив бригадалари томонидан ойига турли хилдаги электровозлардан 18 тасига, юк тортувчи ҳамда йўловчи электровозларининг ҳар биридан 20 тасига техник хизмати кўрсатиб келинади.

Шунингдек, жорий таъмирлаш бўйича ҳам ойига 6 та электровоз ва электричкаларнинг 2 секцияси таъмирланади.

Булардан ташқари депода локомотив бригадалари томонидан кенгайтирилган 1-техник хизмат кўрсатиш ишлари, чиланглар бригадалари томонидан 2-техник хизмат кўрсатиш, комплекс бригадалар ёрдамида эса 3-техник хизмат кўрсатиш ишлари ҳам унум билан бажарилмоқда. Бу мақсадда депонинг Ховосдаги, Тошкент Марказий бекатидаги иккита техник хизмат кўрсатиш пунктлари ҳам бир маромда ишлаб турибди.

Тепловозларни таъмирлаш цехи ҳам яхшигина фаолият кўрсатмоқда. У ерда ТМ-2 типидаги 7 та локомотив тинмай маневр ишларини бажармоқда. Улар ўз вақтида кўрикдан ўтказилиб ҳамиша хизматга шай турибди.

Деподаги таъмирлаш ишларида 450 одам машғул. Иш танг бўлиб қолган жойларда уларга «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам ёрдам қўлини чўзмоқда.

— Ишимизда муаммолар ҳам йўқ эмас, гоҳо трансформаторлар, тортиш двигателлари йўқлиги ишни орқага тортади, — дейди депо бошлиғининг таъмирлаш бўйича ўринбосари Ҳ. Очилдиев. — Улардан ҳеч бўлмаганда 30 тадан керак. Лекин ҳозирги иқтисодий мураккабликларга қарамай бозор иқтисоди шароитида таъмирлаш ишлари мўлжалдагидек олиб борилмоқда.

— Ишларнику йўлга қўйяпмиза, — деб гапида давом этди куйиниб Хайрулло ака, — лекин электричкаларнинг синган ойналарини алмаштиришдан чарчадик. Депога ҳар куни электричкаларнинг 30 тадан ойнаси синиб келади. Уларки алмаштириб улгурмаймиз. Назоратчиларга неча марта айтилгани билан электричкаларни кузатиб бормайди. Ваҳоланки қўйиладиган ойналарнинг баҳоси ўсиб боряпти. Мисол учун бир неча ой муқаддам бир квадрат метр ойна 96 сўм эди. Ҳар куни депода 30 та синган ойнани алмаштириш учун 15 квадрат метр ойна қўйилса, кунига сал кам 15 минг, ойига 45 минг, бир йилда эса 540 минг сўм маблағ сарфланяпти. Бу эса деподаги мавжуд 8 та электричкани 16 нафар назоратчи қўриқлаб борганидан анча қимматга тушади. Кишини хайрон қолдирадиган томон шундаки, ҳозирги техника ривожланган бир шароитда поездларга тош отган болаларни жойида ушлаш, ота-онасига жарима солиш, етказган зиёнига қараб жазолаш қийин эмас-ку! Шундай қилинса, тошотар безорилар камаярди...

Биз депода электровозларнинг катта таъмири билан шуғулланадиган 15ТР-3 цехида ҳам бўлдик. Бу цехда иш бошлаганига бир йилдан ошибди-ю, лекин аҳвол кўнгилни ранжитади. Чунки кузги-қишки кунларда ишлаш учун тайёргарлик кўрилмаган. Цехда на иссиқ сув бор, на иситиш тармоқлари... Ҳатто ҳаво алмаштирувчи қурилмалар ҳам ишламайди.

Депода бўлганимизда яна бир нарса бизни ранжитди. «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилинганига ҳадемай 6 йил бўлади. Цехдаги эълонлар ва яна кўплаб ёзувлар ҳамон давлат тилида ёзилмаган. Аммо озгина саъй-ҳаракат қилинса бу камчиликни ҳам бартараф этиш мумкин.

Адҳам ДАМИНОВ.



НАЗОКАТ

Дилкаш суҳбатлар

АЁЛ ИШБИЛАРМОН БЎЛСА...

Республикамизда мулкчиликнинг турли шакллари ташкил этилиб, тараққиёт йўлидан дадил одимламоқдалар. Ўтган вақт ичида мулкдор аёлларимиз сафининг кенгайиши, уларнинг тадбиркорликлари, ишбилармонликлари, саъй-ҳаракатларининг ижобий самаралари қувончли ҳолдир. Ўзбекистондаги ишбилармон аёллар уюшмаси «Тадбиркор аёл»нинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётда тутган бугунги ўрни хусусида уюшма раиси Дилдора Алимбекова билан суҳбатлашдик.

— Дилдора Маҳмудовна, суҳбатимизни уюшманинг аёлларимиз учун нафидан бошласак.

— «Тадбиркор аёл» уюшмаси жамоат ташкилотидир, яъни бизнинг уюшмага аъзо бўлган ташкилотларга, фирма, корхоналарга имкониятдан келиб чиқиб кўмак берамиз. Бу жараён «Ҳимоя» ҳуқуқий маркази орқали бизнес борасида иш бошламоқчи бўлган аёлларнинг ҳужжатларини тайёрлаб, мутасадди ташкилотларда рўйхатдан ўтказиш, бизнес оламида дуч келинадиган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беришдан иборат. Бундан ташқари Германия техник маркази билан ҳамкорликда тадбиркор аёллар учун ўқув маркази очганмиз. Бу ерда улар ўз малакаларини ошириб, тажриба алмашадилар. Бугунги кунга келиб ўқув марказининг мураббийларига чет эллардан махсус курсларни ўқишларини илтимос қилиб, буюртмалар беришяпти.

Уюшма халқаро «Амалий алоқалар маркази»нинг аъзоси. Бу марказ аёлларимизга қўшма корхоналар очиб, маҳсулотларига харидор, яъни Европа бозоридан ҳамкор топишга кафолат беради. Бунинг исботи сифатида март ойида Германияда бўлган «Европа шерикчилиги» ярмаркасида ўзбек аёлларимизнинг иштирок этганликларини кўрсатишимиз мумкин.

— Уюшма қандай имкониятлари билан ўзини намоён қила олади?

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда «Бизнес инкубатори» ташкил қилдик. Энди тадбиркорларимиз имтиёзли шароитда янги, қулай техника, юқори технология орқали ўз ишларини оёққа турғазиш имкониятига эгалар. Яна биз таъсисчи бўлган марказ орқали ишбилармон аёлларимиз Англия ва Италияда ўз билим ва тажрибаларини оширадилар. «Зумрад» маданий марказимизда эса рассомчилик, кулолчилик, ҳунармандчиликнинг намуналари республикамиз ва хорижда намойиш қилинади.

— Ўзингизга маълумки, табобатда ирсият тушунчаси бор. Унда намоён бўладиган элементлар маълум вақт ўтиши билан яна пайдо бўлади. Бугун мулкдор аёлларимиз сони ортиб бораётган пайтда, улар қонида момоларининг оила, жамиятда тутган ўрни, юриш-туришлари, уй тутмоқликларининг «хамиртурушлари» бор, албатта. Уларнинг, қолаверса айнан сизнинг кўнглингизда аждодларнинг турмуш тарзларини исташ ҳоллари ҳам бўлиб турадими?

— Менимча, аёллар уч тоифага бўлинса керак. Биринчиси фақат уйда рўзғор ва бола тарбияси билан шуғулланадиганлар, иккинчиси, жамоат ишларида фаол иштирок этиб, ўз ғоя ва давлат ишига фидойи бўлганлар, учинчиси эса баъзи бир сабабларга кўра ишлашга мажбур бўлган аёллар — боқувчиси йўқ ёки хаста, кўп болали, кам даромадли оилалар. Уюшма асосан иккинчи ва учинчи тоифадаги аёлларга ёрдам бериб, уларнинг ишларини енгиллаштириб, ғояларини амалга оширишга ҳаракат қилади.

—Мулоқотда энг муҳим омиллардан бири бўлиб муомала, ўзни тута билмоқлик ҳисобланади. Ижтимоий фаолиятга аралашгандан кейин эса ўз-ўзидан ҳамкорлик илк суҳбатлардан олинган таассуротлардан бошланади. Қандай феъл-атворли аёллардан ишбилармон мулкдорлар чиқиши мумкин?

— Ишбилармон аёл менимча берган ваъда ёки сўзининг устидан чиқиши, ҳамкорларни алдамаслик, иқтисодиётни, бозор талабини билиши — иқтисодий билим негизига эга бўлиши, ҳар қандай рақобатга тайёр тура оладиган сабрли ва қийин вазиятлардан чиқиб кета оладиган фазилатларга эга бўлиши керак.

— Қайси мамлакатларда нодавлат шўъбасида иш юритувчи корхоналар, фирмалар билан ҳамкорлик фаолиятини юритяпсизлар?

— Уюшмага жуда кўп чет давлатлардаги ташкилотлар ёрдам беришяпти. Германиядаги ЕПОТ ташкилоти немис фуқароларни Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан яқиндан таништириш учун кўп тадбирлар ўтказмоқда. Ўзбек аёлларимиз ҳам бир неча бор Германияга бориб тажриба алмашиб келишди. Бу ерда Ўзбекистон кунлари ҳам бўлиб ўтди. Анжуманда немис ишбилармонлари Тошкентга ёрдам тариқасида 25 та тикув машинаси ажратишди. Бизга «Бутун дунё аёллар фонди», «Евроосиё» фонди ёрдам бермоқда.

— Иқтисодиётда мулкдор аёлнинг тутган ўрни борми? Бу ўрин аёлни қандай истиқбол сари етаклаши мумкин?

— Албатта, ҳар жабҳадаги каби иқтисодиётда ҳам аёлларимиз замон талаби билан саъй-ҳаракат қилишяпти. Мен Финляндияда ишбилармон аёллар клубига борган эдим. Клубга оналар фарзандлари билан келиб, маданий ҳордиқ чиқариб кетишар экан. Тадбиркор аёлларнинг фарзандлари учун у ерда ҳамма шароит муҳайё. Ҳавасим келди. Ўзбекистонлик ишбилармон аёлларимизнинг ҳам фарзандлари ҳар томонлама етук инсон бўлиб камол топишларига умид қилиб имкон топилса шу ишни амалга оширишни ният қилдим. Мулкдор аёллар ҳақида фикр юритяпмиз. Аслида улар жуда озчиликни ташкил қилишади. Хусусийлаштириш жараёни кўпроқ уй-жой, хизмат, савдо шохобчалари, саноат марказларини қамраб олди ва шу соҳада ишлаган аёлларимизгина мулкдор бўлиб қолишди.

— Мулкдор аёлларнинг кейинги тақдирлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Мулкдор аёлларнинг тақдирлари ўз қўлларида.

— Қизингиз ҳам сиз танлаган йўлдан юришини истармидингиз?

— Ўзингиз биласиз, қиз бола бировнинг хасми. Агар унинг ўзида жамоат ишларида қатнашиш хоҳиши бўлиб, бўлажак оиласининг розилиги бўлса, унинг йўлига ҳеч ким ғов бўла олмайди.

— Аёлларда қайси мулкларга нисбатан мулкдор бўлиш хоҳиши кучлироқ, уларнинг фаолиятлари натижалари қандай бўляпти?

— Аёлларда кичик ва ўрта бизнесга нисбатан қизиқиш кучли — бу табобат, тикувчилик, тўқув ишлари, ҳунармандчилик, маданий-маиший соҳаларни кенгроқ қамрайди.

Маҳлиё МИРСОАТОВА суҳбатлашди.

Ўзбекистон ва жаҳон

БИЗНИ ДУНЁ ТАНИДИ

Яқингинада Пекинда бўлиб ўтган «Тенглик, тараққиёт ва тинчлик учун ҳаракат» деб номланган IV Жаҳон хотин-қизлар анжуманида серқуёш юртимиздан ўн икки аёл иштирок этди. Олам-олам таассуротлар билан қайтган аёллар Ўзбекистон давлатини яна бир бор жаҳонга танитди. Чунки бу конгрессда 190 дан зиёд давлатдан 30 мингдан ортиқ хотин-қизлар иштирок этишди. Бундай халқаро анжуманда республикамиз вакиллари мустақил юртнинг мухтор вакиллари сифатида иштирок этишди. Биз анжуман қатнашчилари гуруҳининг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар ҒУЛОМОВА билан мулоқотда бўлдик.

— Дилбар опа, Пекин таассуротларингиз ҳақида «Оқшом» муштарийлари билан ўртоқлашсангиз.

— Халқимизда шундай бир доно нақл бор: «Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан». Юрт соғинчи, юртга бўлган меҳр ва ифтихорни хорижда юрганимда яна бир бор ич-ичимдан ҳис этдим. Марказий Осиёдан ягона аъзо бўлиб Пекин конгрессида биринчи маротаба бизнинг аёлларимиз иштирок этганлигидан, шу юрт фуқароси эканлигимиздан ғоят мамнун бўлдик. Чунки бошқа юртлардаги мавжуд муаммолар ҳақида сўз юритилганда бизда унақаси йўқ деб жавоб қилдик. 30 августдан 15 сентябрга қадар вакилларимиз турли мавзулардаги муҳокамаларда иштирок этдилар. Бошқа Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган вакилларнинг кўпчилиги томошабин-тингловчи бўлишди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларидан умуман ҳеч ким иштирок этмади. Бу ҳам бўлса юртимизда хотин-қизларга жамоат ва раҳбарлик, бошқарув ишларида кенг йўл-йўриқлар, имкониятлар яратилаётганидан далолатдир.

— Айтингчи, конгрессни ўтказишдан мақсад нима эди?

— Ҳар бир тадбирнинг ўзига хос томони бўлганидек, бу конгрессни ўтказишдан мақсад энг аввало хотин-қизлар аҳволини, болалар саломатлиги, юртлар тинчлигини таъминлаш борасида аёлларнинг роли ҳам катта куч эканлиги ва шу кучимизни ўз юртимизда ифода эта билишимизга йўл-йўриқлар кўрсатилди. 1990 йилда ўтган Найроби конгрессида қабул қилинган ишлар мажмуаси «Тенглик, тараққиёт, тинчлик» шиори остида хотин-қизлар ҳаракатлари доимо давом этиши назарда тутилди.

— Иштирок этган аёлларимизнинг ютуқлари сезилдими?

— Конгрессга борган аёлларнинг ютуқлари беқиёс десам янглишмайман. Улар гуруҳларга бўлинган ҳолда турли мавзуларда иштирок эта олдилар. Яна бир ютуғимиз ҳеч бир давлатдан келган гуруҳлар орасида толиба ва кўп болали она йўқ эди. Бизникилар орасида эса униси ҳам, буниси ҳам бор эди. Шу ўринда кимлар борганлигини айтиб ўта қолай. Кўп болали она — Дилбар Тожиева, Ақида Баҳодирова — Жаҳон тиллари университетининг толибаси, Мунира Самадхўжаева — «Ҳимоя» маркази бошлиғи, Дилдора Алимбекова — республика «Тадбиркор аёл» уюшмасининг раиси, Сайёра Рашидова — Полимерлар физикаси ва кимёси институти директори, Гулнора Йўлдошева — «Соғлом авлод учун» жамғармасининг раиси, Гулистон Аннақиличева — Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Марфура Тўхтахўжаева ва Феруза Пирназарова — Аёллар ресурс марказининг раиси ва ўринбосарлари, Ўктам Воҳидова — «Қизил Ярим Ой» жамияти раиси, Инқилоб Юсупова — республика Болалар жамғармаси раиси. Мана шу опа-сингилларимиз ўтган кунлар ичида ўзларининг нималарга қодир эканликларини ва билим-савиялари қай даражадалигини намойиш этишди, ўз фаолликларини яна бир бор кўрсатишди. Шундай хулосага келдикки, хотин-қизлар, айниқса мактаб ёшидаги қизларга янада кўпроқ ва чуқурроқ билим бериш керак экан. Аёлларимиз ақлли, билимдон, зукко бўлсалар, юртимиз янада ривож топишига тўлиқ ишонч ҳосил қилдик. Камчилигимиз йўқ дея олмайман. У ҳам бўлса кўп тиллиликка эга бўлишни, ҳар қанча кўп тил билган одам ҳамма жойда илғор бўлишининг гувоҳи бўлдик. Шунинг учун биз аёллар жойларда қизларимизни эрта турмушга беришдан кўра уларга ҳунар ўргатишга, тил билишига кўпроқ эътиборни қаратишимиз лозим. Бунинг учун бизларда барча имкониятлар етарли.

Суҳбатдош Гулзода АБДУЛЛА қизи.

Кенгашлар фаолиятидан

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАЯНЧИМИЗ

Ҳаммамизга маълумки, Президентимиз шу йил бошида «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонига имзо чеккан эдилар. Шу кундан бошлаб мамлакатимиз хотин-қизлар ҳаракатида янги давр бошланди десак, муболаға бўлмайди. Фармонга асосан хотин-қизлар қўмиталарига тарихимиз жараёнида биринчи маротаба кенг ҳуқуқлар берилди, хотин-қизлар ҳаракатининг асосий йўналишлари белгиланди ва шу билан бирга бизларга катта ишонч билдирилди.

Мавжуд хотин-қизлар қўмиталари Фармон чиққунга қадар ҳам жамоатчилик асосида муайян ишларни амалга ошириб келдилар. Баркамол авлодни вояга етказиш, тарбиялаш, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизни авайлаб сақлаш, тиклаш масалалари доимо уларнинг диққат эътиборида бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Туманимиздаги корхоналарда, маҳаллаларда катта ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Корхона ва маҳаллаларда хотин-қизлар кенгашлари қайта тузилди, уларнинг раислари сайланди.

Республика Президентининг Фармони, Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорларига асосланган ҳолда Ҳамза тумани ҳокимининг хотин-қизлар кенгаши бўйича қарори қабул қилинди. Ишончим комилки, биз билдирилган катта ишончни шараф билан оқлаймиз. Лекин бу жараён енгиллик билан амалга ошмайди, чунки бизнинг олдимизда кўп йиллар давомида ўз ечимини кутиб турган муаммолар мавжуд. Болалар тарбияси, оилани мустаҳкамлаш, вужудга келган экологик вазиятни тубдан яхшилаш, ўсиб келаётган авлоднинг соғлом бўлишини таъминлаш, халқимиз онгига маънавият, миллатимиз қадриятлари анъаналарини сингдириш, мустақиллик ғояларини кенг тарғиб қилиш каби вазифалар қиладиган ишларимизнинг фақат бир қисми бўлиб, уларни ҳал этиш ўз вазифамизга ўта жиддий муносабатда бўлишимизни тақозо этади.

Бугунги кунда корхоналар ва маҳаллалар хотин-қизлар кенгашлари сони 80 га яқинлашиб, улар аёлларимизнинг меҳнати, турмуши ва дам олиши учун шароитлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишга киришдилар. Мамлакатимиз, жумладан шаҳримиз ва туманимиздаги аёллар ҳаракати улкан кучга айланмоқда. Ишонамизки, бу куч юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим омил бўлади. Шу мақсадда биз юртимиз аёлларини бунёдкорлик меҳнатига, тадбиркорликка, ватан равнақи йўлида бор кучини сафарбар этишга чорлашимиз керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш катта аҳамиятга эга. Туманимизда 900 нафардан зиёд аёл меҳнат қилиш ниятида. Шуни ҳисобга олиб йил бошидан буён 675 нафар аёлни ўз истаклари бўйича ишга жойлаштирдик. Қолган аёлларни ҳам иш билан таъминлаш, улар учун қўшимча иш жойларини ташкил этишимиз керак. Айрим маҳаллаларимизда хотин-қизлар учун кичик корхоналар очилган. Бошқаларида ташкил қилишни ўйлашимиз керак. Аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришимиз ва тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган аёллар учун ўқувлар ташкил қилишимиз лозим.

Ҳозирги кунда ёшларнинг муаммоларидан бири уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар ўртасида ишсизликни бартараф этишдир. Бугунги кунда бандлик хизматида рўйхатга олинган ишсизларнинг 50 фоизини ёшлар ташкил қилади. Биз ёшлар учун қўшимча иш жойларини яратиш масалаларига жиддий қарашимиз керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак олдимизда турган вазифалар, ҳал қилинадиган муаммолар, бажариладиган ишларимиз кўп. Халқимиз саломатлигига, миллатимиз истиқболи, юртимиз тинчлиги, осойишталиги йўлида фидокорона меҳнат қилсак, ўйлаймизки, ютуқларимиз йиллар давомида бундан ҳам зиёда бўлади.

Фотима КАРИМОВА.
Ҳамза тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кенгашининг раиси.

Ҳамшаҳарларимиз

ОПАНИНГ ҲУЗУР-ҲАЛОВАТИ

Қўнғироқ узоқ жиринглаб турди. Ниҳоят эшик очилиб ичкаридан пешбанд таққан, бармоқларида ҳамир юқи қолган Беҳрўза опа кўринди.

— Келинг, айланай, ичкарига марҳамат, — деди уй соҳибаси.

— Беҳрўза опа, учта келин туширган бўлсангиз ҳам уй юмушларини қўя қолай, демайсиза, — деди меҳмон салом-аликдан сўнг. — Қачон ҳаловат билан яшашни ўрганасиз.

Беҳрўза опа бундай ярим ҳазил, ярим чин қабилидаги гапларни қўни-қўшнилардан кўп эшитган. Лекин айрим қайноналар каби «Хизматимни келинларим қилсин» дея оёғини узатиб ўтирмайди. Чунки ҳаётнинг ҳақиқий ҳузур-ҳаловатини бу аёл бошқа нарсада — турли ширинликлар, пишириқлар пишириш, пазандаликда қандайдир янгилик яратиш, уни келинларига ўргатиш, лозим бўлса улардан ҳам нимандир ўрганишда кўради.

— Келин бўлиб шу хонадонга тушганимдан буён қайнонамдан пазандалик борасида жуда кўп нарсаларни ўргандим, — дейди катта келин, «Севинч» фирмасининг ходими Муҳайё Эгамбердиева. — Улар «Аёлни ҳақиқий уй бекасига айлантирадиган фазилат аввало унинг ширинсўзлиги, пазандалиги ва орасталигидир», дея кўп такрорлайдилар. Гарчи пенсияга чиққан бўлсалар-да, ўзлари ҳам ҳамон ана шу сўзларига амал қилишга интиладилар. Шунинг учун ҳам у кишини қуда-андалар, қўни-қўшнилар ғоят ҳурматлашади.

Беҳрўза Қосимова Акмал Икромов туманида истиқомат қилади. Уч ўғил, бир қизнинг онаси, 12 набиранинг суюкли бувиси. Уларни ҳам меҳнатсевар, интилувчан бўлиш руҳида тарбияламоқда.

— Тарбия борасида уй бекасига кўп нарса боғлиқ, — дейди Беҳрўза опа, — зеро «Эзгулик аёлдан бошланади» деган гап бежиз айтилмаган.

Мурод РАҲИМОВ.

СУРАТДА: Беҳрўза опа келинлари Муҳайё, Дилфуза, Ҳакима ва қизи Сурайёлар даврасида.

Равиль Альбеков олган сурат.

Маслаҳатларимиз

РЎЗҒОРДА АСҚОТАДИ

Аёлларимизнинг, айниқса, оналаримиз ва опаларимизнинг кўплаб вақтлари уй юмушларини бажаришга, ошхоналардаги идиш-товоқларни саришта этишга кетади. Қуйидаги маслаҳатимиз ҳам уларнинг саранжом-саришталикларига ва озодагарчиликларига кўмак бўлади деган умиддамиз.

❑ Узоқ вақт ишлатилиши натижасида қорамтир бўлиб қолган чинни идишни чой содаси ёки сирка томизилган туз билан ишқаласангиз яна оппоқ бўлади.

❑ Шиша стакан, гулдон ва шу кабиларни ювганда сувга 1-2 қошиқ сирка ва 1 қошиқ туз солинса, бу идишлар биллур каби ялтирайдиган бўлади.

❑ Пичоқлар печка устида, умуман иссиқ жойда турса, дами қизиб кетиб, пўлатнинг мустаҳкамлиги, эластиклиги камаяди, пичоқ ўтмаслашади. Уни жуда иссиқ сувда ювиш ҳам ярамайди.

❑ Оштахтани, гўшт ва оши кўклар тўғраладиган тахтачаларни, ўқловларни вақти-вақти билан қайноқ сувда совунлаб, чўтка билан ишқалаб ювиш, сўнгра сув билан чайиш ва шамоллаб турадиган жойда қуритиш керак. Уларни иссиқ печка ёнида ёки қуёшнинг тикка нури тушадиган жойларда қуритиш мумкин эмас, чунки тахтачалар бундай иссиқларда ёрилади, тоб ташлайди, яъни қийшаяди.

Гулнора САЪДУЛЛАЕВА тўплаган.

Ғазалхонлик

НАЗАР ҚИЛ

Ёш улғайиб қолганда ортингга бир назар қил,
Умрингнинг йўлларига хаёлот-ла сафар қил.
Қайси мақсадга етдинг, қай бири бўлди армон,
Фикру зикрингни тўплаб ўз-ўзингга хабар қил,

Яхши инсон ортидан қолар бирор нишона
Куч-қувватинг борида боғ яратиб, гулзор қил.
Зебу зийнат, молу мулк ортидан қувма зинҳор,
Камтар бўлгин ҳаётда, ҳар бир сўзингни зар қил.

Риёкорлар суҳбати сенга бегона бўлсин,
Таъмагирнинг ошидан оч қолсанг ҳам ҳазар қил.
Яхши фарзанд Маҳбуба номинг безар дунёда
Умрнинг поёнига осойишта гузар қил

ЖИСМИМГА ЎТ ТАШЛАДИ

Жисмимга ўт ташлади, жон олиб рафторингиз,
Занжирибанд айлади сурати рухсорингиз.
Илтифот кўргазмайин ёқурсиз ҳижрон ўтин,
Интиқомга ташнамиди ул чашми хунхорингиз.
Ситамлар озоридан ёлқин тутанди жонима
Ҳолима раҳм айлангиз ўзгартиб атворингиз.
Фурқатингизда тийра кўзларим равшан этинг,
Малҳами озуқи жон шакардек гуфторингиз.
Дилимда ишқни пинҳон асрамоқ душвор эрур,
Насиб бўлгайму менга, бир куни иқрорингиз.
Хуршиди тимсолингиз олдида ожиз қуёш,
Ҳар маҳал Маҳбуб хаёлим қамрамиш дийдорингиз.

Маҳбуба РАҲИМЖОНОВА.

«ҚАЙНОНАМ — ОНАМ, КЕЛИНИМ — БОЛАМ»

Куни кеча Сергели туманидаги «Иттифоқ» маҳалласида «Қайнонам — онам, келиним — болам менинг» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар айни кунларда аёлларнинг истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган фидокорона меҳнатлари ҳақида гапириб ўтишди. Бу ўринда маҳаллада амалга оширилган ва оширилажак ишлар хусусида сўзлашди.

— «Иттифоқ» маҳалласи туманимиздаги намунали маҳаллалардан ҳисобланади, — дейди Сергели туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кенгашининг раиси Феруза Юсупова. — Бу ерда олиб борилаётган ишлар ва ўтказилаётган тадбирларни кўпчиликка намуна қилиб кўрсатсак арзийди. Маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Турсуной Комилжонованинг кўп йиллдан буён шу ерда истиқомат қилиб, аёлларга, опа-сингилларимизга бошқош бўлиши, оилаларнинг тинч-тотув яшаши учун жон-дилдан ҳаракатлари бошқаларга намуна бўлаётир. Шуни ҳисобга олиб маҳалладаги намунали кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғаларини топширдик.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисодиёт институтининг бўлим бошлиғи Саноатхон Воҳидова, Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг хотин-қизлар ишлари бўйича бўлим мудири Муаттар Пўлатова, Сергели туман ҳокими Миухат Йўлдошев, Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг биринчи котиби Ёқутхон Исҳоқова, Сергели туман хотин-қизлар кенгаши раиси ўринбосари Феруза Орипова, шоира, олима ва санъаткорлар қатнашди.

Зуҳра МУРОДОВА,
Гули МАЛИКОВА.

МУНОЗАРАЛИ РУҲДА

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда шаҳар адлия бошқармасига қарашли фуқаролик ҳолатлари далолатномаларни ёзиш (ЗАГС) бўлимлари раҳбарлари ва ходимлари билан биргаликда республика Адлия вазирлигининг мажлислар залида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Назаров, Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг бошлиғи Низомиддин Зокиров, Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ишлари бўйича бўлим мудири Ойниса Мусурмонова, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Мамлакат Восиқова, Қўқон шаҳар фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ЗАГС) бўлими бошлиғи Тамара Ниёзова, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бўлим бошлиғи Дилором Абдуллаева, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова, шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ФҲДЁнинг бўлим бошлиғи Гулнора Иномжонова, диагностика маркази бошлиғи Дилфуза Ғуломова, туман хотин-қизлар қўмиталарининг раислари ва ҳуқуқ коллежининг толибалари иштирок этишди.

Қизиқарли ва мунозарали ўтган бу давра суҳбатида «Оила ва никоҳ» қонунидаги 19-моддага алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек шу моддага бирмунча ўзгартиш киритиб ва уни Олий Мажлисда кўриб чиқиш таклифи қўйилди. Бундан ташқари жойларда ҳуқуқ клуби ёки университетлари ташкил этиш лозим эканлиги, ФҲДЁ бўлимлари ходимларининг ҳуқуқ бўйича назарий билимларини ошириш ва қайта ўқитиш кераклиги таъкидланди.

Гулчеҳра МАЖИДОВА.

Қатра

ОЛАМ СЕВГИ ЁШИДА

У оламга ажиб бир туйғулар билан боқади. Унинг назидида шу куз оқшоми ҳам, узилиб тушаётган зумрад япроқлар ҳам худди баҳордек туюлади. Сабаби оддий: унинг қалбига муҳаббат меҳмон бўлган.

— Ажабо, — деб ўйларди қиз. — Сувга сочларини ёйиб ўтирган мана шу мажнунтол шунчалар гўзаллигини неча марта ўтсам ҳам пайқамаган эканман-да!? Анҳордан гоҳ секин, гоҳ шиддатли оқаётган сувларини қаранг. Бунчалар шаффоф, бунчалар тоза. Худди шишага ўхшайди-я.

Унинг юрагидаги туғён уравётган ҳисларни фақат унинг ўзи билади. Атрофдаги одамлар нимандир пичирлаб кетаётган бахтиёр қизга ажабланиб қарайдилар. У эса бепарво. Учрашув онларини соат эмас, кун эмас, дақиқа санаб кутади.

Эй яхшилар, кулманг, ажабланманг қизга қараб. Сиз ҳам қачондир мана шундай аҳволга тушгансиз. Туҳларни тонгларга улагансиз. Ўшанда сизга ҳам олам севги ёшида туюлган.

Бугун эса унинг назидида оламда севгидан бошқа ҳеч қандай неъмат йўқ. У шу севгиси билан оламни янада гўзаллаштираётганини билармикан?

Қайнар БУЛОҚ.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Тоҳир МАЛИК

ШАЙТАНАТ

Романнинг иккинчи китобидан парчалар

(Охири. Боши газетанинг 111, 113, 114, 115, 116-сонларида).

Элчин диванга чўзилиб, битта ёстиқни қорнига босди. Шу фойда қилдими, ҳар нечук оғриқ нари чекинди. Бадани ором ола бошлагач, фикрлари яна тиниқлаша борди. Ҳали машинада эканида уйғонган ўйлари яна хаёлини банд эта бошлади. «Жамшид... Жамшид... қандай ҳаромхўр эди у, — деб ўйлади. Гарчи мархумлар ҳақида ёмон гап айтиш дуруст эмаслигини билса-да, уни яхши сўз билан эслашни лозим топмади. — Ҳаромхўр эди у, ҳа, ифлос эди, аблаҳ эди. Қайси аблаҳ ўлдирди уни, қайси аблаҳ мени лаззатдан маҳрум қилди? Мен унинг қонини ичгим бор эди. Шунда қасос чанқоғи оз бўлса-да, босиларди. Энди-чи? Энди навбат Асадбекками? Ҳа!» У ҳозироқ бориб Асадбекни ўлдирмоққа қасд этгандай қаддини кўтарди. Бироқ ўрнидан турмади. Ёстиқни қучоқлаганича ўтираверди. Хаёли эса уни шошириб қўйди. «Шилимшиқнинг гапи тўғрими? Жамшид ҳам кирганмиди бу уйга? Зайнабнинг гапи-чи? Нахот? Келиб-келиб шу искиртни яхши кўрадими? Ўшани деб ўзини осадими? Отасини ўлдирсам-чи? Отасини ўлдирганимда ўзини осармиди? Йў-ўқ... Ҳали шу пайтгача ҳеч ким отасининг ўлимидан қуйиб ўзини осмаган. У эса... ўша ҳайвоннинг изидан бормоқчи бўлибди!...» Элчин жаҳл билан ёстиқни четга улоқтирди-да, ўрнидан туриб кетди. Дераза олдига бориб ҳовлига қаради. Сада бўлиб қолай деган райҳонлар сўлибди. Сувсизлик азобига, қуёшнинг ўтли тиғига бардош бера олмабди. Кираётганида буни сезмаган эди. Нечукдир у ҳозир ўзини шу садарайҳондай ҳис этди. Унинг кўнгли, наинки кўнгли, руҳи ҳам сўлиган. Райҳонга-ку сув қуйилса дарров жон кирар. Сўлиган руҳга, кўнгилга даво борми? Илгари қонининг ҳар томчисида муҳаббат бор эди. Бу томчилар Ноиланинг ўлимидан сўнг чак-чак томиб адо бўлди. Унинг ўрнини эса адоватнинг заҳарли томчилари эгаллади. Шилимшиқнинг гапидан сўнг бу томчилар томирларда қўпира кетган эди. Бугун эса янада қизиди, янада қудрат касб этди.

Жамшиднинг ўлими... Зайнабнинг ўзини осиши... Асадбекнинг қаҳри. Элчин бу уч воқеани боғлаб турувчи кўринмас занжир мавжудлигини ҳис этиб турар, аммо ҳар қанча ўйламасин, фикри ҳақиқат олдида ожиз қолар эди. «Жамшидни қизи билан айб устида ушлаб, ўлдиртириб юборди», деган гумон нечундир шу топда хаёлига келмасди.

«Зайнаб рост айтдими? — деб ўйлади у. — Бу гап ёлғон бўлса ҳам, барибир — дилни яралади. Бу дил ярасига эса чора йўқ. Бир-икки кундан кейин у яна шу уйга келадими? Шу уйга ҳаром қадамини босадими? Аслида шу уйнинг хосияти қолмабди. Қамоқдан келишим билан сотиб юборсам бўлар экан...»

Одам боласи бошига кулфат тушгудай бўлса, хаёлга берилиб «Бу кулфат булутини ким юборди-ю ким ташвиш ёмғирини ёғдирди», деб ўйлай бошлайди. У ҳеч қачон «Мен шу феълим ёнки ҳаракатим туфайли кулфат булутини ўзим чақирдим», демайди. Мана ҳозир Элчин ҳам уйда хосият йўқ, деган қарорга келиб турибди. Билмайдики, уйдан хосиятни ўзи қувиб чиқарди. Унга «Зайнабни айблама, бу бокира эди, гуноҳкор сенсан, туғилажак бола валади зинодир ва унинг гуноҳи ҳам сенинг бўйнингда» дейилса, айбни зинҳор бўйнига олмас, «Мен Ноилам учун қасос олдим», дер. У ғофил банда билмаски, ал қасосул минал Ҳақ — қасос ёлғиз Ҳақдандир, банданинг қасос олмоққа ҳуқуқи йўқдир. Машойихлардан бири «Дунё шайтоннинг дўконидир, ундан бирон нима ўғирламаки, шайтон уни қайтариб олишга келиб, додингни бермасин», деган экан. Бу не бахти қароликки, Элчин шайтоннинг дўконидан кўп нарса олиб қўйди. Энди ҳар бир ўғрилиги учун додини ер. Энди арзини кимга айтади? Унинг арзини ким эшитар экан?

* * *

Манзура эшикдан узоқлашмагани учун қизининг гапларини эшитди. Эшитди-ю, «Вой шўргинам қурси-ин...» деб лабини тишлади. Юраги узилиб тушгандай бўлди. «Вой қизим-а, айтмасанг бўларди», деб қизига хаёлан танбеҳ берди. Элчин катта хонадан букчайиб чиқиб, айвонда ўтириб қолгач, юрагида бир нима узилгандай бўлди. Баданига муз югурди. Қуёвига қарамоқчи эди, эрининг қаҳрли нигоҳи йўлдан қайтарди. Шу нигоҳ бўлмаганида Зайнабнинг гаплари ёлғон эканига қуёвини ишонтирармиди... Иснод... Иснод... Энди қандай ҳаёт кечиради? Кўпни кўрган бу одам иснодга кўникиб кетармикин? Худо қизидан омонатини олмади. Лекин уни тирик мурдага айлантириб қўймадимикин?

Шу хаёл билан уйга кирди. Қизига мўлтиллаб қараб турди-да, нима мақсадда кирганини эслай олмай, изига қайтмоқчи бўлди. Остона ҳатлашга улгурмай, Зайнабнинг овозини эшитиб, тўхтади:

— Ойи, ҳадеб кириб-чиқаверманг. Қўрқманг, энди ўзимни ўлдирмайман. Бола... — у нима учундир «болам» дея олмади, — бола... яшаши керак экан. У туғилгунича...

— Вой, болам, — деб унинг гапини бўлди Манзура. — Худо хоҳласа... —Зайнаб уни гапиртирмади.

— Ундан кейин нима бўлади — худо билади. Нима бўлишини ўзим ҳам билмайман, сиз ҳам билмайсиз. Ҳатто адам ҳам билмайдилар.

— Вой болам-ей... Қўй, бу ўйларингни.

— Қуёвингиз кетдими?

— Ҳа. Қизим... ҳалиги гапни бекор айтдинг.

— Бекор айтмадим, билиб айтдим.

— Ундай дема, болам, наҳотки сен...

— Йўқ, ойи, гапим ёлғон эди. Мен унақа эмасман. Аммо у шундай деб ўйласин. Ўйлаб эзилсин, сиқилиб сил бўлсин, сил бўлиб...

— Қўй, қизим, бировга ёмонлик тилама. Гуноҳи бўлса худонинг ўзи жазолайди.

— Худо жазолагунича...

Зайнаб гапининг давомини ичига ютди. Онасининг мўлтиллаб турган кўзларини кўриб, ноўрин, фойдасиз гапларни айта бошлаганини фаҳмлади. Онасига ачинди. Ўзини осаётганида онасини ўйламаган эди. «Онам бечора бу кулфатга чидай олмай юрак-бағри куйиб адо бўлади», демаган эди. Ҳуши ўзига келганидан кейин ҳам онасининг тақдирини ўйламаганди. «Худо уни жазолагунича мен ўлиб бўламан», дейишга оғиз жуфтлагандагина онасининг ғарибона кўриниши уни сергак тортишга мажбур этди.

Манзура қизининг нима демоқчи эканини англади. Бирдан йиғлагиси келди. Қизи ўзини осганидан бери аҳвол шу. Йиғи босиб келади, кимнингдир елкасига бош қўйиб хўнграб-хўнграб йиғлашни истайди. Ҳасрат қилмоқни, дардини айтмоқни хоҳлайди. Аммо йиғлолмайди, йиғини куч билан қайтаради. Хўрсиниб қўяди. Бироқ, бу хўрсиниш дардини енгиллатишга ожиз. Бу муштипар биладики, қувончни баҳам кўриш учун шерик ахтариш шарт эмас. Бировнинг қувончидан баҳраманд бўлиш ишқибозлари етарлидир. Қайғуга эса ҳеч ким шерик бўлишни истамайди. Ҳамманинг ўз ташвиши бор. Бировникини бошига урадими?!

Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг болаларни маънавий камол топтиришдаги роли муҳимдир. Театр саҳнасида ижро этилаётган хилма-хил томошалар болаларни яхшиликка, адолатпарварликка, инсофга, ростгўйликка чорлаши билан бирга уларда ана шу инсоний фазилатларни тарбиялаб боради.

Худди шунинг учун ҳам театр ўз репертуарида замонавий асарлар билан бир қаторда эртакларга ҳам мурожаат этиши табиийдир. Айниқса машҳур «Минг бир кеча» эртаклари асосида тайёрланган томоша болаларни қувонтирмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Минг бир кеча» томошасидан лавҳалар.

Козим Ўлмасов олган суратлар.

Шаҳримиз музейларида

ҚАМРОВДАГИ ТАБИАТ

Инсон узоқ умр кўришининг 5 шарти бор экан: биринчиси — умр йўлдошининг кўнгилтортар, висолига ошиқтирар, ширинзабон, ёқимли бўлиши, иккинчиси жаҳл чиққанида уни енгиш, учинчиси мусиқани тушуна, эшита билиш, тўртинчиси ёқтирмаган киши билан бирор дақиқа бирга бўлмаслик, бешинчиси табиатни севиш, ундаги бетакрор, фусункор гўзалликни кўра билиш, гўзалликдан завқ олишдир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига қарашли Марказий Осиё табиатини ўз қамровига олган Табиат музейи инсоннинг пиру бадавлатлилигининг бешинчи шартини бевосита таъминлайдиган омиллардан биридир. Музейга кирган мухлис ҳеч қандай «сеҳрли ойнак»сиз истаган табиат манзарасини, жонзотларини кўра олади.

Музей 5 та залдан, яъни тарихий-геология, умумбиология, география-геология, манзаралар ва атроф-муҳитни қўриқлаш, сақлаш залларидан иборат бўлиб, истасангиз қорли бошини мағрур тутиб турган қоялар бағрига одимлаб хуркак оҳулар билан сирлашишингиз, фасллар келинчаги гўзал баҳорни соғинган бўлсангиз қизғалдоқлар қир-адирларни тўлдириб, бойчечак саломга бош эгиб турган бепоён кенгликлар қошига боришингиз мумкин.

Узоқ ва мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтган бу маданият масканининг асосий вазифаси республика табиати ва ундан халқ хўжалигида қандай фойдаланишни акс эттириш, табиий жараёнларнинг ривожланишини кўргазмали қуроллар асосида намойиш қилиш, табиат муҳофазасини кенг ёйиш, ўлка табиатини ўрганишда ўқув юртларига ёрдамлашишдан иборат.

— Музей нималар асосига ташкил топган, — деган саволимизга геолог-география бўлими мудири Жўрабой Каримов шундай жавоб берди:

— Музей тўрт бўлимдан: умумий, ўсимликлар, ҳайвонлар, геология-география бўлимларидан ташкил топган. Кўп йиллар давомида олиб борилган намуналар тўплаш ишлари ва табиат бағрига қилинган илмий саёҳатлар натижасида музейнинг илмий ходимлар жамоаси ғоят қимматли коллекция тўплаган. 500 мингга яқин ҳашаротни ўз ичига олган Марказий Осиёда энг йирик энтомология фонди, 39 минг варақ гербарийдан иборат ботаника фондлари бор.

Фарзандларимизнинг маънавиятини бой, Ватанга, табиатга меҳр-муҳаббат руҳида, нозик дидли, маданиятли қилиб тарбиялашда санъат саройлари, музейлар, кўргазма залларининг аҳамияти беқиёс. Музей ходимлари ҳар йили вилоятларда кўчма кўргазмалар ташкил қилишади. Бу йил Табиат музейининг кўчма кўргазмаси Наманган вилоятида ўтказилди.

Малоҳат МИРСОБИРОВА.

Шингил табассум

— Азизим, бўйнингга ол, сенга қанақа аёллар ёқади: ақллими, гўзалими?

—Униси ҳам, буниси ҳам ёқмайди. Шунинг учун ҳам сенга уйланганман.

***

—Аёлим мени доим Ален Делонга қиёслайди.

—Икковинг икки дунёсиз-ку, ахир!

—Хотиним ҳам шунақа дейди.

***

—Муҳтарам жаноб, — мусаввирга мурожаат қилди гўзал бир аёл, — менинг суратимни ялангоч ҳолда ишлаб бера оласизми?

— Албатта, — деди мусаввир, — ҳозир ечинаман.

***

—Эрингизга мутлақо тинчлик керак, — тушунтирди дўхтир. — Мана уйқу дорига қоғоз.

—Эрим бу дорини қачон ичиши керак?

— Э, йўқ, уйқу дори сизга.

***

Уй бекаси халатини кийиши билан эшикдан хизматкор кириб келди.

— Тентак, — қойиди уни бека. — Киришдан олдин эшикни тақиллатмайсанми? Мен ечинган бўлсам нима қилардинг?

—Бекам, ташвишланманг, — уни тинчлантирди хизматкор. — Мен киришдан олдин тирқишдан мўралайман.

***

—Яна хотинингиз билан уришибсизда, — ўпкалади котиба бошлиғидан.

—Қандай қилиб билдингиз? — ажабланди бошлиқ.

—Елкангизга ошпичоқ санчилиб турибди.

***

—Нега дарсларни тайёрламадинг? — сўради ўқитувчи.

— Онам билан отам доим жанжаллашишади, — деди ўқувчи.

— Онангни танийман. Отанг ким?

— Уйдаям нуқул шундан жанжал чиқади.

***

Кичкинтойни кўздан кечирган шифокор онасига деди:

—Сира ташвишланманг. Ҳар куни етти қошиқдан суюқ дори ичириб турсангиз соғайиб кетади.

—Етти қошиқ! — Хаяжонга тушди она. — Бизда бешта қошиқ бор, иккитасини қаердан оламан?

***

Оилада меҳнат таътилини қаерда ўтказиш борасида баҳс кетарди.

—Мен ҳеч қачон бормаган еримга жон деб борардим, — деди ўғил.

— Мана сенга пул, дарров сартарошхонага бориб кел, — деди ота.

***

Ичимлик дўконига кирган шаробхўр бир стакан вино сўради.

—Оқиданми, қизилиданми? — лутф қилди сотувчи.

— Менга барибир, рангини ажрата олмайдиган касалга мубталоман.

Турсун АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

«02» хабар беради

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

◆ 17 сентябрь куни соат 11 да 40-йўналишдаги автобуснинг салонида Космос бекатида Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари томонидан Қушбеги даҳасида истиқомат қилувчи шахснинг чўнтагидан пулини ўғирлаган, илгари ҳам ўғирлик қилгани учун судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган кимса ашёвий далил билан ушланди.

◆ Шу куни кундузи номаълум кимса Чилонзор даҳаси, 15-мавзеда жойлашган болалар боғчаси эшигини синдириб ичкарига кирган ҳамда палос, 10 та кўрпа ва бошқа қўлга илингулик буюмларни олиб жуфтакни ростлаган. Милиция ходимлари томонидан ушбу жиноятни амалга оширганликда гумон билан Чилонзор даҳасида яшовчи, иш жойининг тайини йўқ, талончилик қилгани учун муқаддам судланган кимса ушланди.

◆ Соат 17 да Йўлдош шаҳарчасида ҳеч қаерда ишламайдиган 20 ёшли йигит ўртада чиққан жанжал сабабли ўсмирга бир неча марта пичоқ санчиб олган. Натижада жабрланувчи қорин бўшлиғи ва юракка етказилган чуқур жароҳатлар орқали касалхонага ётқизилди, бироқ ҳуши ўзига келмасдан жон берди. Тартиб посбонларининг саъй-ҳаракатлари билан қотилликда гумон қилинган кимса қўлга олинди. Ҳозир тергов ҳаракатлари кетмоқда.

◆ 10—17 сентябрь кунлари номаълум кимса Акмал Икромов туманида истиқомат қилувчи шахснинг эшигини бузиб ичкарига кирган ҳамда «Горизонт» телевизори, «Романтика» ва «Нота» магнитофонлари, телефон аппаратини ўғирлаган. Жиноят-қидирув хизмати ходимлари томонидан ушбу ўғирликни хонадон соҳибининг ҳеч қаерда ишламайдиган қўшниси амалга оширганлиги аниқланди ва у қўлга олинди. Ўғирланган моллар эгасига қайтарилди.

◆ 18 сентябрь кундузи номаълум кишилар Владимир кўчасида жойлашган ётоқхонанинг умумий ошхонасидан ош дамланиб қўйилган қозонни ўғирлаб кетишган. Милиция ходимлари ош ўғрилари — Тошкент паррандачилик техникумининг ўқитувчиси ва ҳеч қаерда ишламайдиган Нукус шаҳри фуқаросини қўлга олишди.

◆ Шу куни соат 16 дан 40 дақиқа ўтганида Доғистон кўчасида икки номаълум кимса жисмоний куч ишлатиш йўли билан такси ҳайдовчисини қўрқитиб унинг кундалик тушумини тортиб олишган. Жиноят-қидирув ходимларининг патруль-пост хизмати милиционерлари билан биргаликда зудлик билан амалга оширилган ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни қилганликда гумон билан тижорат дўконининг ишчиси ҳамда ҳеч қаерда ишламайдиган йигитча қўлга олинди.

◆ 19 сентябрь куни соат 23 да Қорасув канали атрофида тижорат дўконининг сотувчиси шаҳримиздаги заводлардан бирининг қоровулини тоза дўппослаб, унинг 500 сўм пули ва бошқа буюмларини олиб жуфтакни ростлаган. Жабрланувчи чакаги синган ва мияси чайқалган ҳолда касалхонага ётқизилди. Милиция ходимлари тез орада талончини ушлашди. Ўғирланган нарсалар ашёвий далил сифатида олинди.

◆ 20 сентябрь куни соат 12 да Тошкент Отчопари бозорида номаълум кимса фирибгарлик йўли билан қўшма корхонанинг ишчисидан махсулот сотиб олиш баҳонасида унинг 1500000 Россия рубли, 4500 АҚШ долларини тортиб олган. Фирибгарнинг изига тушган милиция ходимлари ушбу жиноятни амалга оширган ҳеч қаерда ишламайдиган Бекобод шаҳри фуқаросини қўлга олишди.

◆ Шу куни кундузи номаълум кимса «Сергели-7» даҳасида истиқомат қилувчи аёлнинг хонадони эшигини синдириб ичкаридан телевизор, гилам, тикув машинаси, сариқ металлдан ишланган узуклар, 5 хил турдаги қўлга илингулик буюмларни ўғирлаб кўздан йўқолган. Тартиб посбонларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида ўғри — ушбу даҳада истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган йигитча ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

◆ Соат 18 да Фарҳод бозори ҳудудида Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармасининг ходимлари чўнтаккесарлик жиноятини амалга оширган икки нафар муқаддам судланган йигитни қўлга олишди.

◆ 21 сентябрь куни тунги соат 03 да уч номаълум кимса «Доган» русумли такси автомашинасида Т. Шевченко кўчаси бўйлаб кетар эканлар, тўсатдан ёнларидан пичоқ чиқариб зўрлик билан ҳайдовчини орқа ўриндиққа ўтказиб машинани шимолий шоҳбекат томон бурганлар. Ҳайдовчи машинадан сакраб тушиб жиноят тўғрисида милицияга хабар берди. Натижада босқинчиларга нисбатан «Қўлга олиш» режаси қўлланилди. Патруль-пост хизмати тунги экипажи томонидан С. Сегизбоев кўчасида тортиб олинган автоуловда учта ҳеч қаерда ишламайдиган Чилонзор даҳасилик йигитлар қўлга олинди. Уларнинг ёнидаги иккита пичоқ ашёвий далил сифатида олинди.

◆ Шу куни соат 15 дан 30 дақиқа ўтганида жиноят-қидирув хизмати ходимлари томонидан махсус тезкор тадбирлар ўтказилаётган пайтда Ш. Рашидов кўчаси ёнида 855 грамм марихуана гиёвандлик моддасини олиб юрган 8-автокомбинат ҳайдовчиси ушланди.

◆ 22 сентябрь кундузи жиноят-қидирув хизмати ходимлари томонидан махсус тадбирлар ўтказилаётган пайтда Чилонзор даҳасида шаҳримиздаги олий ўқув юртларидан бирининг талабаси хонадони эшигини бузиб ўғирлик қилмоқчи бўлган, илгари ҳам шахсий мол-мулкни ўғирлагани учун судланган Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи, иш жойининг тайини йўқ кимса ушланди.

◆ Шу куни кундузи номаълум кимса Сўфизода кўчасидаги уйларнинг йўлкаларидан пенсионер аёл ва давлат хизматчисига тегишли бўлган электр ҳисоблагичларни гумдон қилганлиги тўғрисида хабар келди. Милиция ходимларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида ашёвий далиллар билан муқаддам ҳам давлат ва хусусий мулкни ўғирлагани учун судланган, яшаш жойининг тайини йўқ кимса қўлга олинди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Х. АБДУЛЛАЕВ КЎЧАСИДА канализация тармоғи қурилиши учун 10 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ 3 ой муддатга ёпилиши муносабати билан 64, 79, 126-автобусларнинг йўналиши ўзгаради ва қуйидагича ташкил этилади: 64, 126-автобуслар Уйғур кўчасидан бошлаб бир йўналишда Тўқимачи, Абдуллаев кўчалари бўйлаб Бирликгача қатнайди.

79-автобус Фарҳод кўчасидан бошлаб Саккокий, Алмоний, Абдуллаев кўчалари бўйлаб Бирликгача қатнайди.

«ТОШКЕНТШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» ДАВЛАТ УЮШМАСИ.

«СУВСОЗ» ТРЕСТИ

сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишларини бажариш ва 1995 йил куз мавсумига тайёрлаш муносабати билан истеъмолчиларга

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

11 ОКТЯБРЬ СОАТ 9.00 ДАН 12 ОКТЯБРЬ СОАТ 9.00 ГАЧА ЮНУСОБОД ТУМАНИ: Бо́рий, Одилов, Эргашев, Башкирская, Мусоргский, Белинский, Татарская, Грузинская, Урицкий ва унга туташ кўчаларда

СУВ БОСИ́МИ ПАСАЯДИ.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ: Тимирязев, Билбас, Каблуков кўчаларида — СУВ БЎЛМАЙДИ.

Мирзо Улуғбек тумани: Урицкий ва унга туташ кўчаларда — СУВ БЎЛМАЙДИ.

СУВ БЎЛМАГАН ЖОЙЛАРГА МАХСУС СУВ ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР ЮБОРИЛАДИ.

Телефонлар: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Ёшларни олий ўқув юртига кириш учун тест синовларига тайёрлайдиган 10, 6 ва 3 ойлик пуллик курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсида институтнинг етакчи профессор ва ўқитувчилари тингловчиларни КИМЁ, МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАН чуқурлаштирилган дастурлар асосида тест синовларига тайёрлайди.

ПУЛЛИК КУРСЛАРГА ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЁКИ ЎРТА МАКТАБНИНГ 11-СИНФИДА ЎҚИЁТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Курсларга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак:

институт ректори номига ариза, турар жойидан маълумотнома, 3х4 ҳажмдаги 2 та сурат.

ВИЛОЯТЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 8-уй, 92-хона, лицей маъмурияти ҳамда институт ўқув бўлими. Телефон: 56-66-85.

«ҚУЙИЛИҚ АСФАЛЬТ-БЕТОН ЗАВОДИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА

молия-иқтисодий фаолият бўйича «Қўйилиқ асфальт-бетон заводи» ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари

КЕРАК

Мурожаат учун манзилгоҳ: Толариқ кўчаси, 40-уй. Телефонлар: 90-31-95—ҳиссадорлик жамиятининг раиси, 98-42-81—бош муҳандис, 98-62-96 — ходимлар бўлими.

23, 119-автобусларда «Асфальт-бетон заводи» бекатигача борилади.

Юнусобод туман «Бободеҳқон» жамоа корхонаси 8-дўконининг йўқолган муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Тошмевасабзавотсаноат» бирлашмасига қарашли Шайхонтоҳур тумани улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот корхонаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 43-35-57 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Шокиров ва К» хусусий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 96-89-71 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси амбулатория-поликлиникада жарроҳлик курсининг ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди **Миролим ҚОДИРОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, мархумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси «Халқаро менежмент ва маркетинг» кафедраси доценти У. Кудратовга онаси **Хайринисо ҚУДРАТОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 33-81-42

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсатгичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 11-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма--Г-- 0441 •Босмага бериш вақти 11.30. •Босмага берилди. 1 2 3 4 5 6.